

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Тошкент шаҳри

“05 Энваро” 2022 йил.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази – “Сотиб оловчи” ва фукаро “Сотувчи” Азизжон Мансуров ўртасида тузилди. Шартнома қуидагиларни ўз ичига олади.

1. Шартнома предмети

1.1. “Сотувчи” ўзига тегишли бўлган қуидаги китобларни маҳсус экспертилик ҳулосаси асосида белгиланган нархга кўра сотади, “Сотиб оловчи” уларни шартномада кўрсатилган нархда харид килиш мажбуриятини олади:

1.2. Экспертилик ҳулосаси ҳамда томонларнинг келишувига кўра, “Сотиб оловчи”

| № | Асарнинг номи ва кисқача аннотацияси | Сотувчига тўланадиган маблағ миқдори |
|---|---|--------------------------------------|
| 1 | Қўлёзма. Намозга тарғиб. Муаллиф: Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Зоҳид Шариф. Асарда намознинг ҳамма турлари ҳакида тушунчалар берилган бўлиши билан бирга, намоз тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, фатволар, таъсирчан ривоятлар араб ва форс тилларида батафсил баён этилган. Асар настаълик хат услубида 1117 х.й./1704 м.й. кўчирилган. | 7 920 000 |
| 2 | Қўлёзма. Нужумул-Куръон. Куръони карим оятларининг сир-асрорларини тилсим илми асосида аниклаб чикиб, уларни турли белгилар билан ифодалаб, бу илохий китобда ҳамма ҳам билавермайдиган ишоралар борлигини исботлаб берилган дунёда ягона асар. Уни келажакда кашф этилгач, ислом оламида катта янгилик бўлади. 1213/1798м. йилда кўчирилган. | 9 800 000 |
| 3 | Қўлёзма. Масоили мутаффарриқаи шаръийя Кажкул. Унда ислом шариати аҳкомларига доир минглаб саволларга ҳанафий мазҳаби уламолари томонидан берилган жавоб ва фатволар битилган. Араб тилида. 600 бет. Китоб охирида “Рисолаи лисония” номли форс тилида 20 бетли асар ҳамда араб тилида яна бир неча кизикарли рисолалар борки, уларда ислом таълимотининг энг нодир ва зарурий маълумотлари берилган. | 35 035 000 |
| 4 | Қўлёзма. Афросиёб ва Рустам Зол тарихи. Форс тилида, настаълик хатида битилган Эрон ва Турон халкларининг тарихий воқеаларига оид маълумотлар асосида яратилган катта ҳажмдаги асар. Бу достонларнинг турк ва форс тилидаги нусхалари ҳозирда жуда камёб бўлиб бормокда. | 17 640 000 |
| 5 | Қўлёзма. Тафсири оёти зарурия Зарур ва муҳим оятлар тафсири. Муаллиф Шайх Мухийиддин Муҳаммад. Муаллиф бу саралаб олинган Куръон оятларини бошка тафсир китобларда учрамаган ажойиб шархлар билан баён килган. Масалан “Бисмиллохир Раҳмонир Раҳим” оятини изоҳида ёзадики, Аллоҳ таолонинг 3000 та номи бор. Улардан 1000 тасини факат фаришталар билади. Яна 1000 тасини факат пайгамбарлар билишган. Таврот китобида 300 та, Куръони каримда 99 та ва колган биттаси Исми аъзам бўлиб, уни факат Аллоҳ таолининг ўзи билади. Асар настаълик хат | 7 840 000 |

| | | |
|----|--|------------|
| | услубида 1072х/1161 мил. Йилда кўчирилган. | |
| 6 | Қўлёзма. Шархи акоиди насафияМуаллифи - Саъдуддин Тафтозоний. 1109х.й. 1697 мил.йилда жуда ҳам чиройли насх хатида изохлар билан кўчирилган. Акоид фанига бўлган эхтиёж кундан-кунга зиёда бўлиб бораётган ҳозирги кунимизда асраб-авайлаб саклаб келинган бу каби мухим асарларни таржима қилиб кент мусулмон оммасига етказишнинг аҳамияти канчалик буюк экани маълум. | 32 585 000 |
| 7 | Қўлёзма. Мажмуатур расоилАраб-форс тилларида турли муаллифлар томонидан ёзилган бу тўпламда куйидаги мавзулар ёритилган: Мерос тақсимоти, араб-форс лугати, Пайғамбаримизнинг ота-оналари имони, намозда ишорати саббоба килиш ҳукми, Андалусий рисоласи, фароиз илми, усули фикх, носих ва мансух шаръий ҳукмлар, фикхий армуғонлар, акоид масалалари, Насафия акоиди шархи, халифалар тарихи, Аллохнинг борлигини исботи, мантиқ илмига мансуб рисола, Кофия дарслиги шархидаги шеърлар изоҳи. Рисолалар настаълик хатида 1266 х.й./1849 м.й. кўчирилган. | 23 275 000 |
| 8 | Қўлёзма. Ҳикматул-айн шархиАраб тилидаги VII хижрий, XIV милодий асрда яшаган аллома Нажмуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Қазвинийнинг асари бўлиб, унда табиий ва аник фанлар, астрономия, физика, фалсафа, мантиқ, илоҳиётга доир мавзулар ёритилган. Асар 855 х.й./1451 мил.йилда настаълик хатида кўчирилган. | 9 065 000 |
| 9 | Қўлёзма. Дурратут – тожБадеъ Ҳибатиллоҳ ибн Ҳасаншоир Устурлобий каламига мансуб бу форс тилидаги назмий асар (ваф. 534 хижрий /1139 милодий сана) машҳур араб шоири Ибнул – Ҳажжож шеърларидан танлаб олиб таржима килинган. Қўлёзма 1281х./1864м. йилда кўчирилган. | 12 005 000 |
| 10 | Қўлёзма. Табобатга оид беш рисола4 таси араб тилида ва охиргиси Ҳайбатиллоҳ Абдулмузаффар Ардашер ибн Мерос ибн Жомос ибн Кўчак Ҳаким номи билан танилган аллома каламига мансуб. Бу тиббий рисолалар чиройли настаълик хатида битилган. | 24 500 000 |
| 11 | Қўлёзма. Дуолар тўплами Мусанниф-Шайх Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Жазарий (ваф.739х. 1338мил.) Унда факат Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ўқиган ва таълим берган “маъсур” дуолар жамланган. Уни хиротлик Али ал-Қорий ҳам шарҳ қилган. Настаълик хатида 821 х.й. 1418 милодий йилда кўчирилган. | 59 290 000 |
| 12 | Қўлёзма. ШамсияМатематика фанига оид араб тилидаги асар бўлиб, уни Ҳасан ибн Муҳаммад ан-Найсабурий (ваф.828 х.й.1424м.й) ёзган. Настаълик хатида 935 х.й./1528 мил.й кўчирилган. | 37 975 000 |
| 13 | Қўлёзма. Ал-ХидояБурхониддин Марғиноний (1121-1197) асари. У ханафий мазхабига доир фикхий асар бўлиб, 48 бобга бўлинган. Таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, никоҳ, эмиқдошлиқ, талоқ, касам, савдо-сотик, шафелик, омонат қўйиш ва ҳоказо. Ҳар бир шаръий ҳукмни муаллиф оят, хадис, ижмоъ ва қиёсий далиллар билан исботлаб чиккан. Қўлёзма 954 х./1547 м.йилда настаълик хатида изохлари билан кўчирилган. | 37 485 000 |
| 14 | Қўлёзма. Аллоҳ борлигининг исботиЖалолиддин Муҳаммад ибн Асъад ас-Сиддикий ад-Давоний асари. Араб тилида ёзилган бу асарнинг матни, шархи ва ҳошияларида матнни тўла тушинишга ёрдам берадиган кимматбаҳо маълумотларни ўкиш мумкин. Ҳозиргача бу ўта аҳамиятли ақидавий асар на тадқик этиб ўрганиб чиқилган ва на таржима килинган. | 12 250 000 |

| | | |
|----|---|------------|
| 15 | Қўлёзма. Тафсири важиз. Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Воҳидий (ваф.468х/1075м) қаламига мансуб бу Қуръони каримнинг нодир тафсири тахминан 600 йил бурун кўчирилган. Анъом сурасидан то Муъминун сурасининг 97 – оятигача сакланган. | 56 840 000 |
| 16 | Қўлёзма. <ol style="list-style-type: none"> 1) Мажмуа Имом Замахшарийнинг “Муқаддима” асарига ёзилган шарх, араб тилида. У 1150 х.й/1737 м.й. номаълум хаттот томонидан настълиқ хати билан кўчирилган. 2) Араб тили грамматикасига оид рисола бўлиб, настълиқ хатида кўчирилган. 3) Бу хам араб грамматикасига оид рисола бўлиб, унинг муаллифи Мухаммад Содик ўз фарзанди Фаридуддин Мухаммад Кошиф учун ёзган. 4) Бу рисолада айрим ояtlар тафсир килинган бўлиб, тил услубидан уни 3-нчи рисола муаллифи ёзган бўлиши мумкин. 5) Алишер Навоий қаламига мансуб кофия тўғрисидаги рисола (араб тилида). 6) Бу хам шеърдаги кофиялар хақида рисола. 7) Ҳинд арифметикаси тўғрисидаги рисола (форс тилида) | 26 705 000 |
| 17 | Қўлёзма. Риёзус-солихинИмом Нававий томонидан таълиф этилган хадиси шарифлар тўплами бўлиб, у номаълум хаттот томонидан чиройли насх хатида тахминан 200 йил бурун кўчирилган. Бу хадислар турламишининг чоп этилган нусхалари ислом оламида кўп. Лекин қўлёзма нусхаси ноёбdir. | 37 730 000 |
| 18 | Қўлёзма. Мажмуа <ol style="list-style-type: none"> 1) “Рисолаи оёти муташобиҳот” 2) 40 хадисни форсий манзумаси (Жомий) 3) Имом Шотибийнинг “Максадул-қурро” асарининг форсий таржима назми. 4) Ҳоказо ўнта турли мавзудаги асарлар. | 19 600 000 |
| 19 | Қўлёзма. Мажмуа: <ol style="list-style-type: none"> 1) Тасаввуфга оид Накшбандия тарикати шайхи Сархиндий (Имоми раббоний)нинг “Қурратул-кориин” асари, форс тилида. 2) Баҳовуддин Накшбанд ҳазратларининг манокиблари, форс тилида чиройли настълиқ хатида тахминан 200 йил олдин кўчирилган. | 39 200 000 |
| 20 | Қўлёзма. Тафсирул-Қуръон. Форс тилида, 2-том. Ояtlар кизил рангда, шархи кора рангда ёзилган. “Марям” сурасидан то “Нос” сурасигача. Чиройли насх хатида тахминан 300 йил олдин кўчирилган. | 22 785 000 |
| 21 | Қўлёзма. Риёзул-Аброр. Форс тилидаги асар. Қуръони карим ояtlаридан илхомланиб муаллиф унда жуда кизикарли ривоятлар жамлаган. Муаллиф- фарғоналик Мухаммад Содик ибн Ғазолиддин Фарғоний. 1000 х.й/1591 м.й кўчирилган. | 35 525 000 |
| 22 | Қўлёзма. Мажмуа. Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин” китоби, тасаввуф шайхлар шажарасига бағишлиланган “Силсилатуз заҳаб” китоби, форс тилида битилган ажойиб хикоятлар. 1222-24 х/1807-10 м. саналарда настълиқ хатида кўчирилган. | 7 350 000 |
| 23 | Қўлёзма. Маҳтумкули девони. Тахминан 1850 йилда настълиқ хатида кўчирилган. | 20 335 000 |

| | | |
|----|---|------------|
| 24 | Қўлёзма. Мажмуа. 1) Фикҳ фанига оид “Фикҳи Кайдоний” деб аталувчи араб тилида ёзилган асарнинг туркий-ўзбек тилида ёзилган шархи. 2) Қозизода Румийнинг туркий-ўзбек тилида ёзилган астрономия ва турли мавзуларга оид асари. Тахминан 1850 йилда настаълик хатида кўчирилган. | 40 180 000 |
| 25 | Қўлёзма. Гозий девони Форс тилида ёзилган шоир Гозийнинг шеърий девони хамда бошқа бир неча мумтоз шоирларнинг шеърларидан саралаб олинган тўплам. 1250 х./1834 м. санада настаълик хатида кўчирилган. | 21 805 000 |
| 26 | Қўлёзма. Фавсул-Аъзамнинг манокиблари Абдулкодир Жийлонийнинг (Фавсул-Аъзам) манокиблари тўғрисида бир рисола хамда “Маноқиби фавсия” номли иккинчи рисолада хам Фавсул аъзамнинг сийратлари баён қилинган. Қўлёзма 1261 х./1845 м санада настаълик хатида кўчирилган. | 9 555 000 |
| 27 | Қўлёзма. Фарҳанги Маснавий Мавлоно Жалолиддин Румийнинг форс тилида ёзган Маснавийнинг кийин иборалари учун Мир Жамолиддин Хусайн томонидан изохли лугат шаклида битилган асар. | 33 565 000 |
| 28 | Қўлёзма. Мазхарул-кулл Жомий ибн Камолиддин Қоратегинийнинг назмий асари. Номаълум хаттот уни Фарғонанинг Марғилон каби шаҳарларидан бири Навқат шаҳрида кўчирганини қайд этган. Иккинчи асар “Қасидай Амолий” бўлиб, унинг муаллифи Али ибн Мухаммад Ўший-Фарғоний. Кўчирилган йили 1243 х./ 1827 м. Хаттот Холиқдод ибн Чакир Сўфий. | 14 945 000 |
| 29 | Қўлёзма. Маноқиби орифин Балх ахлидан чиккан тасаввуф машойихлари тўғрисида форс тилида ёзилган асар. Муаллифи Ахмад Афлокий. Бу асар тўғрисида “Кашфуз-зунун” китобидаги маълумотга караганда 728 хижрий йилда таълиф этилган. | 22 050 000 |
| 30 | Қўлёзма. Рисолалар Олтида мухим мавзуларни ичига олган туркий-ўзбек ва форс тилида ёзилган. 1305 х. /1887м. санада настаълик хатида кўчирилган. | 24 010 000 |
| 31 | Қўлёзма. Рисолалар Еттита мухим мавзуга эга бўлган рисолалар тўплами. 1263 х./1844м. санада настаълик хатида кўчирилган. | 22785 000 |
| 32 | Қўлёзма. 1. Уч асар Араб тилида ёзилган ақоид фанига оид рисола. 2. Форс тилида ёзилган тасаввуф фанига оид асар. 3. Шайх Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” номли форс тилидаги асари. 1274 х./1857м. санада настаълик хатида кўчирилган. | 17 640 000 |
| 33 | Қўлёзма. Гулшани тавҳид Форс тилида ёзилган ақоид фанига тааллукли асар. 1221х/1806 м. санада настаълик хатида кўчирилган. | 9 800 000 |
| 34 | Қўлёзма. Назмий тўплам Муқимий, Фурқат, Шавқий ва бошқа мумтоз шоирларнинг шеърларидан танлаб олинган тўплам – баёз. Таминаан 1900 йилда кўчирилган. | 20 825 000 |
| 35 | Қўлёзма. Жомеул мақомот Махдуми Аъзам ҳазратларининг табаррук сўзларидан тузилган тўплам. Тўплам муаллифи Хожа Абул-Бако ибн Хода Баҳовуддин. | 9 065 000 |
| 36 | Қўлёзма. Латоиф ва зароиф Асар муаллифи Мавлавий дея киска берилган. Тўлиқ номи хозирча номаълум. Асарда латиф ва зариф, кизикарли ривоят, хикоят ва форсий шеърлар берилган. | 45 080 000 |
| 37 | Қўлёзма. Равзатул- ахбоб Атоуллоҳ ибн Файзуллоҳ (Жамол ал-Чиний)нинг форс тилида авлиёлар тўғрисида ёзган асари. Унда ислом тарихи ва Мухаммад пайгамбаримизнинг фаолиятлари йиллари билан ёритган. | 34 790 000 |

| | | |
|----|---|-------------|
| 38 | Қўлёзма. Ҳидоятул муршидин Араб тилида ёзилган “Кифоятул-мажолис” асарининг форсча таржимаси. Уни хаттот Мухаммадражаб ибн Уста Назар Мухаммад Ўратепагий 1287х./1773м. иили Қўконда Худоёрхон даврида настъалик хатида кўчирган. Тасаввуф ва улуг машойихларнинг сийратларига багишланган асар. | 34 300 000 |
| 39 | Қўлёзма. Ҳазоинул-маоний ва Вакфия Мир Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул маоний”номли катта ҳажмдаги шеърлар тўплами ва “Вакфия” номли асар. | 14 455 000 |
| 40 | Қўлёзма. Тазкираи Давлатшоҳий Самарқандий Тасаввуф таълимотини ифодаловчи шеърлар ёзган машхур шоирлар ва уларнинг ижодий фаолиятлари тўгрисида қимматбаҳо маълумотлар мажмуаси. | 20'335 000 |
| | Тўлов учун жами: <i>Тўққиз юз саксон етти миллион тўққиз юз йигирма минг сўм</i> | 987 920 000 |

1.2. Экспертлик хуносаси ҳамда томонларнинг келишувига кўра, “Сотиб олувчи” юкоридаги китоблар учун “Сотувчи”га 987 920 000 (*Тўққиз юз саксон етти миллион тўққиз юз йигирма минг*) сўм маблагни унинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

1.3. “Сотувчи” шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган китобларни амалдаги конунчилик асосида ўзининг шахсий мулки эканлиги, сотиш учун учинчи шахслар ёки бошка кўринишдаги чеклов ва таъқилар йўклигини тасдиклайди.

2. Китобларни қабул килиш ва хисоб-китоб шартлари

2.1. Томонлар шартнома имзолаган кундан 15 иш куни ичida “Сотиб олувчи” шартнома умумий кийматининг 30% лик қисми олдиндан тўлов сифатида “Сотувчи”нинг хисоб раками (пластик картаси)га ўтказади.

2.2. “Сотувчи” мазкур шартномансинг 2.1. бандида белгиланган миқдор хисоб ракамига (пластик картаси)га қабул килинган кундан 3 кун ичida шартнома руйхатида кўрсатилган барча китобларни Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази кутубхонасига топшириш далолатномаси асосида топширади.

2.3 “Сотиб олувчи” шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган сумманинг қолган 70% лик қисмини китоблар кутубхонага расман топширилган кундан 30 иш куни ичida “Сотувчи”нинг хисоб раками (пластик картаси)га ўтказади.

3. Жарима шартлари

3.1. Шарноманинг 2.1 ва 2.3 бандларида кўрсатилган пул тўла ш муддатлари бузилган тақдирда, “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,1 % миқдорида жарима тўлайди. Лекин жариманинг умумий миқдори кечикирилган муддат миқдорининг 20% дан ошмаслиги керак.

3.2. Шарноманинг 2.2. банди бузилган тақдирда, “Сотувчи” китобларни топшириш кечикирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,1 % миқдорида жарима тўлайди. Лекин жариманинг миқдори шартнома умумий миқдорининг 20% дан ошмаслиги керак.

4. Форс-мажор

4.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чикадиган ҳар кандай келишмовчилик холатлари иккى томоннинг ўзаро келишуви билан ҳал этилади. Келишувга келинмаган холатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси конунчилиги асосида туманлараро иктисадий судлари карор чикаради.

5. Шартномага ўзгартириш киритиш ва уни бекор килиш шартлари

5.1. Томонларнинг келишувига биноан шартномага ўзгартиришлар киритиши ва уни бекор килиш мумкин. Ушбу шартномага киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равиша амалга

оширилиб, уни ҳар икки томон имзолаган бўлиши шарт. Бу шартлар ушбу шартноманинг ажралмас банди бўлиб хисобланади.

5.2. Шартнома ҳар икки томон учун икки нусхада тузилди.

5.3. Шартноманинг амал килиш мuddати 31 декабрь 2022 йилгача.

Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Сотиб олувчи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси
маркази

Манзил: 100002, Тошкент шаҳри, Олмазор,

Корасарой, 47.

х/р: 23402000300100001010

Банк: ХККМ МБ ББ

МФО: 00014

СТИР: 305013690

ОКЭД: 72200

Директор:

Ш.Миноваров



Мин

Сотувчи:

Мансуров Азизжон Дадажанович

Паспорт серия: № АВ 9959987

Тошкент шаҳри, Олмазор туман, Келес йўли
кўча 11 ўй, 8 хонадон.

ПК раками: 8600 0204 9098 4486

Банк: Ўзбекистон Миллий Банки. Тошкент
шаҳар бош бошқарма амалиёт бўлими
х/р: 2312 0000 5000 0045 1001

МФО: 00451

СТИР: 201 052 966

А.Мансуров

Уориши:

**“Сотиб олувчи” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси
хузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ва “Сотувчи”
фуқаро Азизжон Мансуров томонидан 987 920 000 (тўққиз юз саксон етти
миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмлик китобларни сотиб олиш
бўйича 1-сонли шартнома лойиҳаси юзасидан,**

ЮРИДИК ХУЛОСА

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролик Кодексининг 364- ва 386-моддалари ҳамда Ўзбекистон
Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-
хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 10-, 11, 15-моддалари асосида
хукукий экспертиза қилиб, мазкур шартнома қонунчилик ҳужжатларига мос
келишини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб
хисоблайман.

Етакчи юрисконсульт

Д.Мухсимов